

Амалий иш

Мавзу:

**ФАОЛИЯТ ХАВФСИЗЛИГИНИ
ТАЪМИНЛАШДА
ПСИХОЛОГИК
ОМИЛЛАРНИНГ
АҲАМИЯТИ ЎРГАНИШ**

Ишнинг мақсади:

Ишлаб чиқаришда хавфсизликни
таъминлашда психологик омилларнинг
аҳамиятини ўрганиш.

Қадимги грек мутафаккири Сократ шундай деган экан:

«Мен тирик бўлмаган табиатни
ўрганишни тўхтатишга қарор қилдим
ва нима учун, одам нима яхши-ю
нима ёмонлигини билгани ҳолда,
ёмон ишни қилишини тушунишга
ҳаракат қилмоқчиман»

- Меҳнат хавфсизлиги психологияси-психологик илмларнинг бир соҳасидир. У ижтимоий-тарихий ва аниқ ишлаб чиқариш шароитига, меҳнат қуролига, меҳнатга ўқитиш усулига ва ишловчиларнинг шахсий психологик сифатларига боғлиқ ҳолда ҳар хил турдаги меҳнат фаолиятининг психологик афзалликларини ўрганади.
- Шунинг учун меҳнат психологиясини ўрганишнинг объекти на фақат меҳнат фаолияти ва меҳнат хавфсизлиги бўлмасдан, балки меҳнаткашларнинг шахсий афзалликлари, қисман – унинг касбий қобилиятлари меҳнат фаолиятида амалга ошириладиган аниқ ишлаб чиқариш муҳити, меҳнатдаги шахслараро муносабатлар, предметлар, қуролилар, меҳнат озиқалари ва ишлаб чиқаришга ўқитишнинг усуллари ҳисобланади.

Жароҳатланишлар асосида ётадиган ташкилий–психологик сабаблар

- Замонавий ишлаб чиқаришда бузилишлар содир бўлиши ва жароҳатланиш юзага келиши муаммоларини фақат **инженерлик усуллари билан ечишнинг** имкони йўқ.
- Тажриба шуни кўрсатадики, тез-тез бузилишлар ва жароҳатланишлар асосида **инженерлик–конструкторлик** нуқсонлари ётмасдан, балки **ташкилий–психологик сабаблар** ётади.
- Буларга асосан **қуйидагилар** киради:
 - касбий тайёргарликнинг паст даражадалиги;

- ишловчиларнинг хавфсизлик масалалари бўйича назарий ва амалий тайёргарлигининг паст даражадалиги;
- хулқий тарбиянинг етарли эмаслиги;
- хавфсизлиги масалаларини ва ҳолатини назорат қилишга мутахассисларнинг етарли даражада қўйилмаслиги;
- жароҳат олиш хавфи юқори бўлган шахсларни хавфли ишларни бажаришга қўйиш;
- ишловчиларнинг ишга фаоллик даражасини пасайтирувчи чарчаган ҳолатларда келиши;
- ишловчиларнинг ишга турли психологик салбий ҳолатларда келиши ва бошқа.

Психологиянинг предмети

- «**Психология**» сўзи иккита грекча сўзлардан — «**psyche**» — жон, руҳ ва «**logos**» — таълимот, илм сўзларидан иборат бўлиб, анъанавий маънода инсон руҳий дунёсига алоқадор барча ҳодисалар ва жараёнлар унинг предмети ташкил этади.
- Бошқача қилиб айтганда, психологиянинг предмети ҳар биримизнинг **ташқи олами** ва **ўз-ўзимизни билишимизнинг асосида ётган жараёнлар, ҳодисалар, ҳолатлар** ва **шакланган хислатлар** ташкил этади.
- Психология бўйича адабиётларда унинг предмети қисқача қилиб, «**психика**» дир, деб таъриф беришади.

- **Психика** — бу инсон руҳиятининг шундай **Ҳолати**ки, у ташқи оламни (ички руҳий оламни ҳам) онгли тарзда акс эттиришимизни, яъни билишимиз, англашимизни таъминлайди.
- Лекин бу қисқа таърифлардан психикага алоқадор жараёнлар **онгинг акс эттириш шакллари** экан, деган юзаки хулосага келиш нотўғри бўлади.
- Чунки инсон психикаси ва унинг **руҳий олами**га алоқадор **ҳодисалар** ва жараёнлар шу қадар мураккаб ва хилма-хилки, биз баъзан ўз-ўзимизни ҳам тушунмай қоламиз.

- Шунинг учун ҳам одамларнинг **билимдонлиги** нафақат ташқи оламда рўй бераётган объектив ҳодисалар моҳиятига алоқадор билимлар мажмуига эга бўлиш билан, балки ҳаётда муносиб ўрин эгаллаш, ўз ички имкониятлари ва салоҳиятидан самарали фойдаланган ҳолда фаолиятини оқилона ташкил этишнинг барча сирларидан бохабар бўлиш, ўзига ва ўзгаларга таъсир кўрсатишнинг усуллари билиш ва улардан ўз ўрнида унумли фойдаланишни назарда тутади.
- **Психологик билимдонликнинг** мураккаблиги айнан шундаки, атрофимиздаги нарсалар ва ҳодисаларнинг моҳиятини бевосита ҳис қилиб билишимиз мумкин, лекин психик ҳаётга алоқадор бўлган жараёнларни, ўзимизда, миямиз, онгимизда рўй бераётган нарсаларнинг моҳиятини билвосита биламиз.

- Психология фани ўрганадиган **жараёнлар ва ҳодисалар** мураккаб ва хилма-хил.
- Уларни ўрганишнинг икки жиҳати бор: бир томондан, уларни ўрганиш қийин, иккинчи томондан осон ҳам. Охирги жиҳати хусусида шуни айтиш мумкинки, бу ҳодисалар бевосита бизнинг ўзимизда берилган, уларни узоқдан қидириш, мавҳум аналогиялар қилиш шарт эмас, бошқа томондан, улар ўзаро бир-бирлари билан боғлиқ ва умумий қонуниятлар ва принципларга бўйсунди.
- Демак, қисқа қилиб, *психологиянинг предмети конкрет шахс, унинг жамиятдаги ҳуқ-атвори ва турли фаолиятларининг ўзига хос томонларидир*, деб таърифлаш мумкин.
- Психология конкрет фан сифатида **психик фаолият қонуниятларини, унинг рўй бериши механизмлари ва омилларини** ўрганувчи фандир.
- Қуйидаги жадвалда психик жараёнларнинг намоён бўлиш шакллари, улар ўртасидаги ўзаро боғлиқликлар акс эттирилган.

ПСИХИКАНИНГ НАМОЁН БЎЛИШ ШАКЛЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ЎЗARO БОҒЛИҚЛИГИ

Психик жараёнлар		Психологик ҳолатлар	Шахснинг хусусиятлари
Билиш жараёни	Ҳиссий-иродавий	Индивидуаллик	
Сезгилар	Эмоциялар	Йўналишлар	
Идрок	Эътиқодлилиқ	Темперамент	
Хотира	Бардамлик	Характер	
Тафаккур	Тетиклик	Қобилиятлар	
Хаёл	Апатия	Иқтидор	
Нутқ	Қизиқувчанлик	Ақлий салоҳият	
Диққат	Ҳайратланиш	Хулқ мотивацияси	
	Ишончлилиқ	Иш услуби	
	Ижодий руҳланиш	Маъсулият	

Фаолият хавфсизлиги психологияси

- Фаолият хавфсизлиги психологияси деганда инсон фаолияти хавфсизлигини таъминлаш учун психологик билимларни қўллаш тушунилади.
- Фаолият (меҳнат) хавфсизлиги психологияси — психологик илмларнинг бир соҳаси сифатида катта аҳамиятга эга.
- У ижтимоий-тарихий ва аниқ ишлаб чиқариш шароитига, меҳнат қуролига, меҳнатга ўқитиш усулига ва ишловчиларнинг шахсий психологик сифатларига боғлиқ ҳолда ҳар-хил турдаги меҳнат фаолиятининг психологик афзалликларини ўрганади.

- Фаолият (меҳнат) психологиясининг ўрганиш объекти – нафақат меҳнат фаолияти ва меҳнат хавфсизлиги бўлмасдан, балки ишловчиларнинг шахсий афзалликлари, қисман – уларнинг касбий қобилиятлари, меҳнат фаолиятида амалга ошириладиган аниқ ишлаб чиқариш муҳити, меҳнатдаги шахслараро муносабатлар, предметлар, қуроллар, меҳнат маҳсулотлари ва ишлаб чиқаришга ўқитишнинг усуллари ҳисобланади.
- Фаолият (меҳнат) психологиясининг асосий масаласи – фаолиятнинг инсон учун осон, енгил ва хавфсиз бўлишига, унинг хурсандчилик олиб келишига, корхоналардаги инсоний муносабатларнинг гармоник ва фаол бўлишига ёрдам беришдир.

Хавфсизлик психологияси нимани ўрганади?

- Хавфсизлик психологияси – руҳий жараёнлар ва руҳий хусусиятларни ўрганади ва меҳнат фаолияти жараёнида кузатиладиган руҳий ҳолатларнинг турли хил шаклларини тўлиқ таҳлил қилади.
- Инсоннинг руҳий фаолияти структурасида 3 та асосий ташкил қилувчилар ажратилади:
 - руҳий жараёнлар;
 - руҳий хусусиятлар;
 - руҳий ҳолатлар.

Руҳий фаолият структурасини ташкил қилувчиларнинг моҳияти:

- **Руҳий жараёнлар** - руҳий фаолиятнинг асосини ташкил қилади. Буларсиз билимнинг вужудга келиши ва ҳаёт тажрибасини орттириш мумкин эмас. Руҳий жараёнларнинг билиш, эмоционал, иродавий ва сезиш турлари мавжуд (сезиш, зеҳнлаш, хотирлаш, эслаш ва ҳакоза).
- **Руҳий хусусиятлар** (шахс сифати) - шахс хусусияти – бу унинг муҳим афзалликлари (характери, темпераменти, йўналиши). Шахснинг сифатлари ичида интеллектуаллик, эмоционаллик, ирода, ахлоқ ва меҳнат ажралиб туради. Яна буларга барқарорлик ва доимийлик хусусиятлари киради.
- **Руҳий ҳолатлар** - турли–туманлик ва вақтинчалик характери билан ажралади, у аниқ даврда психологик фаолиятнинг афзалликларини аниқлайди ва бутун психологик жараёнлар давомида ижобий ёки салбий баён қилиниши мумкин.

Назорат саволлари

- Операторнинг қанақа функционал ҳолатлари мавжуд?
- Инсоннинг асаб системасида ёки бошқа аъзоларидаги доимий функционал ўзгаришларни келтириб чиқарувчи омиллар.
- Ишловчиларнинг хавф остида қолишини вақтинча кучайтирувчи омилларга нималар киради?
- Физиологик чарчаш нима?
- Руҳий чарчаш нима?
- Депрессия нима?

T-жадвал. Инсон тепаментларининг хавфсликни таъминлаш нуқтаи назаридан афзалликлар ва камчиликларини келтиринг

<i>Афзалликлар</i>	<i>Камчиликлар</i>

Эътиборингиз учун раҳмат!